
Тез тиббий ёрдам бўлимига эътибор ортимоқда

Тошлоқ туманида ҳам пандемия даврида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Яқинда туман ҳокими А.Джурабаев саъй-ҳаракати билан туман марказий кўчасидан шошилич тез ёрдам бўлимига кириш кўчаси жуда ёмон ҳолатга келганлиги боис асфальт ётқизилган эди. Бугун бу борадаги олиб борилаётган ишлар давом эттирилди. Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли шошилич тез тиббий ёрдам бўлимининг ташқи йўллари ҳам асфальтлаштирилди. Албатта ҳозирда тезкор ва шошилич тез тиббий ёрдам кўрсатиш биринчи галдаги вазифа бўлмоқда. Эндиликда шошилич тез тиббий ёрдам ходимлари автомашиналари учун яратилаётган қулайликлар албатта ўз самарасини беради.

2020-08-11 19:49:43